ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00481

ТАЛАБАЛАРГА КОНСТРУКТОРЛИК ТАЙЁРГАРЛИГИ БЕРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Dilfuza Maxmudjanovna Shalikorova
Urganch davlat universiteri o'qituvchisi
dilfuzashalikorova@gmail.com

Sharif Yuldoshovich Rajabov
Urganch davlat universiteri o'qituvchisi
Sharif02031964@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада олий ўқув юртларининг ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани таълим сохасида, технология таълими йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашда техника фанларидан талабаларга берилаётган билимларни уларнинг педагогик фаолиятларида яъни мактаб ўқув устахоналарида, техник тўгаракларда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларга конструктор – технологик билимларни бериш жараёнида қўллашни ўргатувчи махсус курс ташкил этиш, хамда техника фанларидан олинган билимлар натижасини оширишдир.

Калит сўзлар: конструкторлик, технология,махсус курс, мухандислик, мутахассис, механизм, объект, лойихалаш, чизмачилик, теплотехника, назарий механика, машина ва механизмлар назарияси, материаллар қаршилиги, машина деталлари, гидравлика.

PROBLEMS OF IMPROVING THE TEACHING OF SCIENCES THAT PROVIDE STUDENTS WITH DESIGN PREPARATION

Dilfuza Mahmudjanovna Shalikorova
Teacher of Urgench State University
dilfuzashalikorova@gmail.com

Sharif Yuldoshovich Rajabov
Teacher of Urgench State University
sharif02031964@gmail.com

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00481

ABSTRACT

In this article, the knowledge imparted to students in the field of teacher training and pedagogy in higher education, the preparation of bachelors in the field of technology education in their pedagogical activities, ie in school workshops, technical circles, secondary special, vocational education institutions. to organize a special course to teach the application in the teaching process, as well as to increase the results of knowledge gained in technical sciences.

Keywords: design, technology, special course, engineering, specialist, mechanism, object, design, drawing, thermal engineering, theoretical mechanics, theory of machines and mechanisms, material resistance, machine parts, hydraulics.

КИРИШ

Олий ўқув юртларининг ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани таълим сохасида, технологик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш жараёнида талабаларга конструкторлик тайёргарлиги берадиган фанлар қаторига чизмачилик, назарий механика, машина ва механизмлар назарияси, материаллар қаршилиги, машина деталлари, гидравлика, теплотехника каби техника фанлари ва устахоналарда ўтказиладиган амалий машғулотлар киради. Олий ўқув юртларида техника фанлари мухандислар тайёрлаш йўналишларида ҳам ўқитилиб, улар махсус курсларни ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Махсус курслар эса бўлажак ихтисосликни яъни талабаларнинг мухандислик тайёргарликларини ташкил этади. Шундай қилиб техника фанлари олий ўқув юртларида талабаларга тўла мухандислик тайёргарлигини асосиниташкил этса, техника фанлари билан махсус фанлар биргаликда талабаларнинг тўла мухандислик тайёргарлигини ташкил этади.

Мухандислик йўналишлари учун бўлажак мутахассислар ишловчи объектларнинг ўзига хос томонларини эътиборга олган холда талабаларнинг мухандислик тайёргарлигини таъминловчи техника фанларининг ва махсус фанларнинг мазмунини миқдори белгиланган.

Шу муносабат билан “Технологик таълим бакалаврлари” технология таълими ўқитувчиси ўзининг иш фаолиятида нима билан шуғулланади ва унга қандай мухандислик тайёргарлиги керак, деган савол туғилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Технология таълими бакалаврлари” технология таълими ўқитувчисига мухандислик тайёргарлиги тўлалигича зарур эмас ва уни амалга ошириб хам

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00481

бўлмайди, чунки белгиланган муддат ичида мухандислик тайёргарлигидан ташқари талаба яхши педагогик тайёргарлик ҳам олиши керак. Лекин бу масалани ўқув соатларини механик қисқартириш ҳисобига ечиш керак эмас. Бу ерда бўлажак технология предмети ўқитувчиси учун бир мақсадни кўзлаб фанларни мазмунини танлашда, уларнинг педагогик, техникавий ва махсус тайёргарликларини чуқур тахлил қилиш талаб этилади.
мухандислик тайёргарлиги техника фанларини ўрганиш жараёнида бошланиб махсус курсларни ўрганиш жараёнида тугалланади.

Олий ўқув юртларининг ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани таълим сохасида, технология таълими йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашда мухандислик тайёргарлигини берувчи махсус фан сифатида ўрганиладиган, хамда техника фанларидан олинган билимларни тадбиқини амалда кўриш имконини берувчи бирорта фан йўқ. Бўлажак технология предмети ўқитувчиларининг конструкторлик яъни мухандислик тайёргарликлари техник фанларни ўрганишлари билан бошланади, лекин якунланмасдан қолади. Натижада талабалар тугалланмаган ва маълум бир мақсадни ўз ичига олмаган конструктор-технологик ёки мухандислик тайёргарлиги деб тўла маънода атаб бўлмайдиган тайёргарликка эга бўладилар.
Фикримизча, олий ўқув юртларининг ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани таълим сохасида, технология таълими йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашда техника фанларидан талабаларга берилаётган билимларни уларнинг педагогик фаолиятларида яъни мактаб ўқув устахоналарида, техник тўгаракларда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларга конструктор – технологик билимларни бериш жараёнида қўллашни ўргатувчи махсус курс ташкил этиш, хамда техника фанларидан олинган билимлар билан ушбу курс ўртасида мантиқий боғлиқликни юзага келтириш самарали натижалар беради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Техника фанларини ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани таълим сохасида, технология таълими йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашда ўқитишни юқорида зикр этилган технология предмети ўқитувчисини иш фаолияти билан боғлиқ ишчи объектларни ўзига хос томонларини эътиборга олган холда такомиллаштириш масаласини хал этиш зарурияти мавжуд бўлиб бу масалани ижобий хал этилиши технология таълими йўналиши бўйича

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00481

бакалаврлар тайёрлашда уларга тўла мухандислик тайёргарлигини бермаган холда якунланган конструкторлик тайёргарлигини беришни амалга оширади. Мухандислик ихтисосликлари тайёрловчи олий ўқув юртларида конструкторларга, технологларга ва х.з.ларга якунланган мухандислик тайёргарлиги берилар экан, албатта бўлажак технология предмети ўқитувчисини конструкциялаш, лойихалаш, хозирги замон илмий-техникаси асосида турли хисобларни бажаришга ўргатиш учун умумий йўналишни аниқлаш керак. Бунда техника фанлари ва махсус фанлардан олинган билимларни мактаб ўқув устахоналарида ва техник тўгаракларда машина ва механизм моделларини, ўқув устахоналарида ишлатиладиган турли мосламаларни, кичик хажмли техника воситаларини лойихалаш ва тайёрлашда ишлатилишига катта эътибор қаратилиши керак бўлади.

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда олий ўқув юртларининг ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани таълим сохасида, технология таълими йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашда техника фанларини мазмуни механик қисқартирилган ҳолда мухандислар тайёрлаш йўналишларидаги каби ўқитилмоқда. Бу эса бўлажак технология предмети ўқитувчилари тайёргарликларининг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун талабаларга конструкторлик тайёргарлиги берувчи фанларни ўқитишни такомиллаштириш техника фанлари ўрганиш узлуксизлигини таъминлаш муҳим ахамиятга эга.

REFERENCES

1. Хошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.
2. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. – Т.: «Fan va texnologiyalar» нашриёти, 2008. – 164 б.
3. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқалар. Педагогика (но педгогик олий таълим муассасалари учун). 2013 й. - ТДПУ. 15,25 б.т.